# 2003 ЙИЛ – ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

№2 (332)

2003 йил 15 январь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири

## БИР НИҲОЛ

*Юртдошим, боғингга ниҳол қада,*
*Бу ниҳол номини Яхшилик ата.*

*Ниҳолнинг ёнига бир гул экиб қўй,*
*У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.*

*Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,*
*Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.*

*Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,*
*Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.*

## Кеча мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганининг ўн йиллиги кенг нишонланди

***«...ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир...»***

**Ислом КАРИМОВ**



Юртимизнинг Янгийўл ва Чиноз туманлари ҳудудлари ҳам қўшни мамлакатлар билан чегарадош. Ватан ҳимоячилари сафида ҳар доим ҳушёрликни биринчи ўринга қўядиган чегарачиларимизнинг бугунги маҳоратлари юрт, халқ тинчлиги гарови. Буни чегара постида хизмат қилаётган ватандошимиз яхши билади.

**Суратда: Чегара пости бошлиғи катта лейтенант Равшан Қаюмов ва Умид маҳалласи оқсоқоли Мирза Яхшибоев.**

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ КИЧИК КОМИССИЯСИДА

## Жамоат жамғармалари давр тақозоси

**Демократик институтлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат жамғармалари масаласи ҳозир давлат ва жамият қурилишида марказий ўринни эгаллаб келмоқда.**

Шундай экан, Ўзбекистонга хос, жаҳон андозаларига мос жамоат жамғармалари тўғрисида мукаммал қонунни яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Олий Мажлиснинг Фуқаролик жамияти тизимларини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги мажлиси асосан ана шу «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Мажлисни Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов кириш сўзи билан очди. Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг мудири Б.Қўчқоров, Олий Мажлис депутатлари Й.Жўраев, Х.Дўстмуҳамедов, И.Латипов, жамоат жамғармалари раислари Ш.Хўжаев, И.Юсупова, Э.Боқибоев, А.Гадойбоев, З.Мунавваров, хорижий мамлакат жамоат ташкилотлари вакиллари ва бошқа нотиқлар таъкидладиларки, «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида кўрсатиб берилган мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳамда жамоатчилик жамғармалари ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бу тузилмалар ҳуқуқ ва имкониятларини кафолатлашдаги ўрнини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, бу қонун жамоатчилик жамғармаларига молиявий-иқтисодий жиҳатдан ўзини мустаҳкамлаш, тегишли соҳаларда давлат тузилмаларига кучли муқобилга айланиш имконини беради. Қонун жамғармаларни тузиш ва рўйхатга олиш тартиби, уларнинг фаолияти, васийлик кенгаши ва бошқарув органлари ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Жамоат жамғармалари вакиллари лойиҳа бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, жамғармалар фаолиятини янада эркинлаштиришга эришилган ютуқлар билан бир қаторда қатор жараёнларда кутилган имкониятлар берилмаётганлигига эътиборни қаратдилар.

Шу билан бирга, мажлисда кичик комиссиясининг асосий фаолияти «Кучли давлатдан кучли жамият сари» ижтимоий-сиёсий ғоясини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан боғлиқ бўлган қатор муҳим масалалар ҳам кўрилди. Кичик комиссиянинг бошқа тадбирлари қаторида 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши билан ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш концепциясини такомиллаштириш масаласи ҳам муҳокама этилди.

**Ўз мухбиримиз**

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ МАҲАЛЛАГА КЕЛДИ ВА КЎП ЙИЛЛИК МУАММО ЕЧИЛДИ

*Хонтепа маҳалласи Қарши шаҳрида кейинги йилларда барпо этилган Механизаторлар қўрғонида ташкил топди. Ўша пайтда бу ерда 14 та кўча, 200 оила, 4,5 минг аҳоли бор эди. Кўрган одамнинг ҳаваси келарди, маҳаллага ўшанда. Негаки, кўча ва хонадонлар саранжом-саришта, мактаб, болалар муассасалари, маиший хизмат корхоналари гавжумлаштирилганди.*

Орадан 20 йил ўтди. Маҳалла ҳам энига, ҳам бўйига ўсди. Аҳоли сони 2,5 баравар кўпайди. Кўчалар сони 21 тага, хонадонлар 641 тага, оилалар бўлса 758 тага етди. Аммо ўрта босимлик газ тақсимлаш нуқталари ўша-ўша 10 талигича қолди. Бунинг устига шаҳардан келадиган газ босими 3-4 марта камайди. Айниқса аҳоли зич жойлашган Хонтепа, Садоқат, Ал-Фарғоний кўчалари хонадонларида уйларни иситиш уёқда турсин, чой ҳам қайнамай қолди. Кейинги кунларда бўлган қаттиқ совуқлар натижасида иситиш тармоқлари музлаб ёрилиб кетди.

Маҳалла фуқароларининг бундай аянчли аҳвол ҳақида мурожаат қилиб бормаган ташкилотлари, арз қилмаган раҳбарлари қолмади. Афсуски, барча шикоят хатлари жавобсиз, оқибатсиз қолди. Устига-устак илгари посёлкага газ келтириш ниятида ўтказилган 250 миллиметр диаметрли 60 метр қувур маҳалладан сўроқсиз кесиб олиб кетилиб, бошқа жойга ўрнатилди. 5 ноябрдан 29 декабргача маҳаллада газ умуман бўлмади. Аҳоли турли электр асбобларидан фойдаланишга мажбур бўлди. Натижада электр тармоқлари ҳам ишдан чиқди.

Яқиндагина ишга киришган вилоят ҳокими Н.Зайниев мутасадди раҳбарлар билан бирга маҳаллага келиб ҳақиқий аҳвол билан танишди. Бир кунда Шаҳрисабз туманидан 240 метр қувур келтирилиб, газ уланди. Эскириб қолган электр узатгичлар таъмирланди. Маҳалла аҳолиси газ, электр қуввати билан тўла таъминланди.

Янги ҳоким маҳаллалар сари дадил қадам ташлади. Бу 2003 йил чинакам «Обод маҳалла йили» бўлишидан далолат.

**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири,**
**Қашқадарё вилояти.**

### «Обод маҳалла йили» янгиликлари

***Маҳалла, соғлом ижтимоий муҳит маскани. Жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Токи маҳаллада ҳамжиҳатлик барқарор бўлса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ҳам бўлади.***

## ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими билан «Ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида»ги Шартномани имзоланди.

Шартнома бўйича жойларда қандай тадбирлар қилинаётганлиги мунтазам ўрганиб борилади. Зеро, маҳалланинг гуллаб-яшнаши умумхалқ иши. Зеро, «Обод маҳалла йили» муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш барчанинг муқаддас бурчи.

Шартномани имзолашга бағишланган тадбирда Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С.Аъзамов ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлимининг раиси Т.Миркомилов сўзга чиқдилар.

**М.ҚОРАБОЕВА,**
**Тошкент вилояти**

Қорақалпоғистон

## «УЗОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛДИ!»

*«Обод маҳалла йили»нинг дастлабки ҳафталариданоқ Қорақалпоғистонда ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда.*

Куни кеча «Қонликўл» ширкатлар уюшмасининг Наврўз маҳалласида 50 беморга хизмат кўрсатувчи врачлик пункти иш бошлади. Эндиликда аҳоли 25 километр йўл юриб, Қонликўл тумани марказидаги шифо масканларига қатнов машаққатидан қутилишди. Врачлик пунктида 10 нафар малакали шифокорлар хизмат кўрсатмоқда. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Худди шундай врачлик пункти экологик офат маркази Мўйноқ туманидаги Мадели овул фуқаролар йиғини марказида ҳам фойдаланишга топширилди.

**Асилбек ИСКАНДАРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Йил танлови

## «ОБОД МАҲАЛЛА – ОЗОД ВАТАН ТАЯНЧИ»

***Республика Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Маҳалла» ва «Наврўз» жамғармалари вилоят бўлимлари Обод маҳалла йили ҳамда Республика Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан «Обод маҳалла - озод Ватан таянчи» мавзуида энг яхши асарлар кўрик-танловини ўтказишга қарор қилишди.***

Кўрик-танловда вилоятдаги барча ижодкорлар мазкур мавзудаги шеърий, насрий, драматик асарлари, публицистик мақолалари билан қатнашишлари мумкин.

Ғолиблар учун 50 минг сўм миқдорида биринчи, 35 минг сўмлик иккинчи ва 20 минг сўмлик учинчи мукофотлар белгиланди. Бундан ташқари фаол иштирокчилар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланадилар.

Танлов Конституция куни - 8 декабрь арафасида аниқланади.

**Э. ҚУРБОНОВ.**

Муносабат «Mahalla»ни ўқигач...

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ ЭКАН...

Иш юзасидан маҳалламиз идорасига борган эдим, «Mahalla» газеталари тўпламига кўзим тушди.

Газеталарни қизиқиб кўриб чиқа бошладим. Кутлибека Раҳимбоеванинг «Кийиниш ўта шахсий иш, аммо ўта умумий ҳодиса» мақоласини кўриб севиниб кетдим. Котиба қиздан газетани қайтариб бериш шарти билан олиб кетдим. Уйда келин-қизларимга, қўни-қўшниларимга ўқиб бердим. Аёлларимиз шарму ҳаёси, одобига оид бу мақола менда катта таассурот қолдирди.

**Санталятхон РАҲМОНОВА,**
**Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Кўйлиқ ота маҳалласи.**



- Ҳимоячи акаларимнинг байрами экан, бобо!



2 саҳифада
* Истиқболда бизни Наврўз кутмоқда!
* Ваъдага вафо обрў келтирур

3 саҳифада
* Сочлар оқарганда нени эслаймиз?
* Бебош отани болалари тарбиялади.

4 саҳифада
* Мудҳиш кунга айланган туғилган кун...
* «Момом ўгитини қизимга айтдим»

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-26.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

